

Ғазолик насронийлар: Рамазон ойида овқатланиш одатларимиз жуда ўзгаради



04:40 / 05.05.2021 1218

«Ғазо секторидаги кўплаб насронийлар муборак Рамазон ойида мусулмон урф-одатларига риоя қилишади», дейди Фаластин Олий Президентининг черков ишлари бўйича қўмитаси котиби Сана Тарази.

Аёлнинг сўзларига кўра, Рамазон ойи, дўстлари билан кўчаларда чироқлар ва тунни кундузга айлантирган ёрқин ва ажойиб болалик хотиралари ойдир.

– Рамазон ойида овқатланиш одатларимиз жуда ўзгаради. Бу вақтда биз одатда тушлик қилмаймиз, фақат шом намозидан кейин овқатланамиз, – дейди Сана Тарази. – Овқат тайёрлаётганда, овқат ҳиди рўза тутган мусулмон қўшнилари бевота қилмаслиги учун унинг ҳидини чиқармасликка ҳаракат қиламиз. Кундузи эса пиширишни ҳам тўхтатиб турамиз.

Сана Тарази муборак ойда қўшниларига озиқ-овқат ва турли ширинликлар улашишни одат қилган.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси